# БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

Мамлакат саноат бирлашмалари ва корхоналарининг меҳнат коллективлари 1 кварталда маҳсулот реализация қилиш планини бажардилар, дейилади СССР Марказий статистика бошқармасининг СССР саноати 1985 йил 1 квартал давлат планининг бажарилиши якунлари тўғрисидаги ахборотида.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,0 процентни, ўртача кунлик ишлаб чиқариш бўйича эса 4,2 процентни ташкил этди (шу йилнинг биринчи кварталида ўтган йилнинг худди шу давридагига қараганда икки иш куни ва бир календарь кун камроқ бўлди). Меҳнат унумдорлиги 1,5 процент ошди; ишлаб чиқаришни ўстиришнинг 80 процентига шу ҳисобдан эришилди, фойда кўпайди.

Барча иттифоқдош республикаларнинг саноати янада ривож топди.

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб бешта саноат министрлигига қўшимча равишда 20 та Умумиттифоқ, иттифоқ-республика ва республика саноат министрлигининг бирлашмалари ҳамда корхоналари иқтисодий эксперимент шароитида ишлашга ўтказилди. Экспериментда 2,3 мингта бирлашма ва корхона қатнашмоқда, саноат маҳсулоти ҳажмида уларнинг улуши тахминан 12 процентни ташкил қилади.

Эксперимент шароитида ишлаётган корхоналар ва бирлашмалар фаолиятининг кўрсаткичлари ўтган йилнинг 1 кварталига нисбатан анча яхшиланди. Кўпгина министрликларда шартнома мажбуриятларини бажариш даражаси юксалди. Белоруссия ССР ва Литва ССР Енгил саноат министрликларининг, Украина ССР, Белоруссия ССР, Озарбайжон ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР ва Эстония ССР Озиқ-овқат саноати министрликларининг, Белоруссия ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги ҳамда Украина ССР Маҳаллий саноат министрлигининг бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини тўла ҳажмда бажардилар.

Умуман мамлакатда энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди: электр энергия — 421 миллиард киловатт-соат; нефть (газ конденсатини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) — 147 миллион тонна; газ—160 миллиард куб метр; кўмир—185 миллион тонна; пўлат —36,4 миллион тонна: қора металлар прокати (тайёр) — 25,8 миллион тонна; пўлат қувурлар — 4,6 миллион тонна; минерал ўғитлар (тўйимли моддаларини 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда) — 7,7 миллион тонна; ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари шартли бирликларда — 155 минг тонна; металл қирқиш станоклари— 621 миллион сўмлик, шу жумладан рақамли программа билан бошқариладиган станоклар—217 миллион сўмлик; программа билан бошқариладиган автомат манипуляторлар (саноат роботлари) —3,0 минг дона; приборлар, автоматлаш воситалари ва уларнинг запас қисмлари — 1,2 миллиард сўмлик; ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг запас қисмлари — 0,9 миллиард сўмлик; тракторлар —13,2 миллион от кучи; қишлоқ хўжалик машиналари — 901 миллион сўмлик; чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машина ва ускуналар—680 миллион сўмлик; дон комбайнлари — 28,8 минг дона, маккажўхори комбайнлари — 0,6 мингта.

Шунингдек, барча турлардаги газламалар — 3,0 миллиард квадрат метр; кийим-кечаклар — 6,5 миллиард сўмлик; ички ва устки трикотаж — 432 миллион дона; пойабзал — 202 миллион жуфт; гўшт (давлат ресурслари хом ашёсидан) —2,6 миллион тонна; колбасалар — 836 минг тонна; озиқ-овқат бўладиган балиқ маҳсулотлари, шу жумладан балиқ консервалари — 1,6 миллиард сўмлик; қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат ресурслари хом ашёсидан) — 7,0 миллион тонна; Кондитер маҳсулотлари — 1,1 миллион тонна; консервалар— 2,9 миллиард шартли банка; соатлар — 16,3 миллион дона; чинни-фаянс ва майолика идишлар —232 миллион сўмлик; телевизорлар — 2,2 миллион дона, шу жумладан рангли тасвирдаги телевизорлар — 0,9 миллионта; холодильниклар ва музхоналар — 1,4 миллион дона; енгил автомобиллар — 331 минг дона; мебеллар — 1,9 миллиард сўмлик ишлаб чиқарилди.

Саноат маҳсулотининг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ўсди. Бир қанча буюмлар ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан бир мунча камроқ ишлаб чиқарилди.

Газ қазиб олиш, дизель ёнилғи ва ёқиладиган мазут, бир қанча рангли металлар, металл қирқиш станоклари, саноат роботлари, приборлар, автоматлаш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, нефть аппаратлари, автомобиллар, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг айрим турлари, экскаваторлар, ип ва шойи газламалар, кийим-кечаклар, гўшт, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти, сариёғ ва озуқабоп балиқ маҳсулоти, консервалар, мебеллар ишлаб чиқариш плани бажарилди.

Серунум машина-механизмлар ва илғор технология ишлаб чиқаришга жорий этилди. 1 кварталда корхоналарда 1,5 мингдан ортиқ автомат, ротор ва механизациялашган поток линиялар ўрнатилди, салкам 1000 та участка, цех, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди, 17 та технологик жараёнларни автомат бошқариш системаси ташкил этилди. Қора металлургияда, машинасозлик тармоқларида халк истеъмол моллари ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг янги турлари ўзлаштирилди ва кўплаб ишлаб чиқарила бошланди.

Шу билан бирга, дейилади СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш топшириқлари тўла бажарилмади. Кўмир саноати, Қора металлургия. Химия саноати, Минерал ўғит ишлаб чиқариш, Ўрмон. Целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрликларининг бирлашмалари ва корхоналари шартнома мажбуриятларини бажаришда анча қолоқликка йўл қўйдилар.

Нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш, кўмир қазиб олиш, қора металлар тайёр прокати, минерал ўғит, синтетик смола ва пластмассалар, ўзгарувчан ток электр моторлари, химия асбоб-ускуналари, темирчилик-пресс машиналари, иморатбоп ёғоч, қоғоз, цемент, зиғир толасидан тўқилган ва жун газлама ҳамда халқ истеъмол молларининг бошқа бир қанча турларини ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи ва жамғармалар планларини, янги техника ва илғор технологияни ўзлаштириш топшириқларини бажармадилар, аҳолига манзур бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарилишига йўл қўйдилар.

Саноат ходимлари ишнинг айрим участкаларида йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш ҳамда план ва социалистик мажбуриятларда белгиланган маррани эгаллаш учун ижодий кучларни ва мавжуд резервларни сафарбар этмоқдалар, уюшқоқлик ва интизомни оширмоқдалар.

(ТАСС).

# ОБЛАСТДА ЧИГИТ ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

ОБЛАСТЬ пахтакорлари баҳорги дала ишларини кўтаринки руҳ ва зўр уюшқоқлик билан туғаллаш учун курашмоқдалар. Улар ҳар кун, ҳар соатдан унумли фойдаланиш тадбирларини кўраётирлар. Деҳқонлар бу йилги баҳорнинг қийинчиликларини енгиб, чигит экишни қисқа муддатда ,туғалладилар. Ҳамма ерда уруғлик чигит яхши тайёрланган майдонларга экилди.

Коммунистик районининг механизаторлари зарбдорчасига меҳнат қилиб, алоҳида намуна кўрсатдилар. Улар бу муҳим кампанияни жуда қисқа муддатда ниҳоясига етказдилар. Областда биринчи бўлиб чигит экишни туғаллаганликлари ҳақида рапорт бердилар. Оққўрғон, Янгийўл, Чиноз районларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам бу соҳада яхши натижаларга эришдилар.

Кўпгина колхоз ва совхозларда дастлабки ниҳоллар кўзга ташланиб қолди. Чигит ернинг табиий намига тўла ва қийғос ундириб олинмоқда. Фурсатни ғанимат билган механизаторлар қатор ораларига ишлов беришга киришдилар. Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг Сайфуддин Охунов бошлиқ бригадаси пахтакорлари биринчилар қатори культивацияни бошлаб юбордилар. Улардан ўрнак олган Қаҳҳор Обидов, Турсунбой Мирсолиев, Абдуқодир Турдиқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг механизаторлари ҳам культиваторларни пайкалга олиб чиқдилар. Шу райондаги «Партия XXV съезди» совхозидан Ш. Аҳмедов, Т. Ҳамидов, Н. Асиров ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари ҳам ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришни кенг кўламда авж олдириб юбордилар.

Янгийўл, Оққўрғон, Коммунистик ва областдаги бошқа кўпгина районларнинг хўжаликларида ҳам чигит бир текис униб чиқа бошлади. Механизаторлар ўзаро мусобақани авж олдириб, техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, биринчи культивацияни ғоят сифатли ўтказиш учун курашмоқдалар.

Лекин ҳали асосий ишлар олдинда. Бутун диққат-эътиборни ҳар гектар майдонда белгиланган миқдорда кўчат бўлишини таъминлашга, парвариш ишларини юксак савияда олиб боришга қаратиш керак. Ғўзага ишлов бериш билан бир йўла уни минерал ўғитлар билан озиқлантиришга катта эътибор бераётган хўжаликлар жуда тўғри иш қилмоқдалар. Бундай хўжаликларда дастлабки кунларданоқ ниҳолларнинг соғлом ва дуркун ривожланиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Уларнинг тажрибаларини кенг оммалаштириш керак.

Беш йилликнинг якунловчи йилида барча колхоз ва совхозларда пахтадан мўл, сифатли, эртаги ҳосил етиштириш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этайлик!..



# ПАРВАРИШ БОШЛАНДИ



● ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхози 2-бригадасининг Раҳмат Аҳмедов бошчилик қилаётган звеноси пахтакорлари чигитни хўжаликда биринчи бўлиб экиб олишган эди. Қулай муддатларда ташланган уруғлик тупроқ намига тўла униб чиқди. Айни кунларда улар ғўзага дастлабки ишлов беришни ҳам бошлаб юбордилар. Звенонинг тажрибали механизатори Манноп Эшонқулов ёш ниҳоллар қатор ораларини сифатли юмшатмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида коллектив аъзолари 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Суратларда: дуркун ниҳоллар; ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда.

А. Абалян фотолари.

## КУЛЬТИВАЦИЯНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАМИЗ

Мен колхознинг Кавардон участкасида меҳнат қиламан. Участкамиз бўйича бу йил 240 гектар ерда деҳқончилик қилинмоқда. Ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбурияти олинган.

Бу юксак мажбуриятнинг бажарилиши кўпроқ биз механизаторларнинг ишни қандай ташкил этишимизга, белгиланган топшириқни қандай бажаришимизга боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Ерни ҳайдаш, экишга тайёрлаш, чигит экиш ишларини сифатли амалга ошириш учун куч-ғайратимизни аямадик. Ҳамкасбларим Ҳ. Аҳмедов, Б. Рисамедов, Т. Рўзиматов, Б. Аъзамов, С. Назиров ўртоқлар билан биргаликда дала ишларида актив қатнашмоқдамиз. Ўзаро мусобақа белгиланган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришимизда муҳим омил бўлаётир. Коммунистик районидаги «Политотдел» қолхози бўйича экишни эрта бошлаб, эрта муддатларда туғаллашга муваффақ бўлганлигимизнинг бош омили ҳам шундадир.

Эндиликда мўл ҳосил учун курашнинг янги босқичи бошланди. Биз механизаторлар биринчи культивацияни ниҳоятда хушёрлик ва эҳтиёткорлик билан ўтказишимиз зарур. Чунки тракторнинг тезлиги мўлжалдагидан сал ошириб юборилса, ёш ниҳолларнинг илдизига шикаст етиши мумкин. Шунинг учун ҳам ишни бошлашдан олдин далаларни кўздан кечирамиз. Сўнг культиваторни ҳар бир картанинг, даланинг шароитини ҳисобга олган ҳолда созлаймиз. Бу тартиб-қоидага иккинчи, учинчи культивация даврида ҳам қатъий амал қиламиз.

Бригадамизга тегишли культиваторлар пухта созланиб қўйилган. Биз бу техникалардан самарали фойдаланиш учун курашамиз. Тажрибамизни, маҳоратимизни ишга соламиз. Ҳар гектар ерда белгиланган миқдордаги кўчатни сақлаб қоламиз. Бу кўчатларнинг дуркун ўсиши ва серҳосил бўлиши учун курашамиз.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
механизатор.

# БУЮК ПОЧИНГА САДОҚАТ

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

ҚУЁШ заррин нурларини соча бошлаган ҳам эдики посёлка ва қишлоқлар гавжумлашиб кетди. Дам олиш куни бўлишига қарамай ўн минглаб ўртачирчиқликлар қадрдон корхоналари, қурилиш объектлари, баҳорда янада тароватли бўлиб кетган далаларга томон йўл олдилар. Эрта тонгда бошланган меҳнат байрами кечгача зўр уюшқоқлик, кўтаринки руҳда давом этди. Барча ишлаб чиқариш коллективлари озод меҳнат қўйнида жавлон урдилар, ўзларининг халқимизнинг бу ажойиб анъанасига бўлган садоқатларини яна бир бор намойиш этдилар.

Шу куни қайси бир корхона, колхоз ёки совхозда бўлмайлик ғайрат-шижоатга тўла меҳнатнинг устидан чиқилди. Кекса-ю ёш ҳамма енг шимариб завқ-шавқ билан ишлади. Райондаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланган металл конструкциялари заводи коллективи шанбаликда бир жон-бир тан бўлиб иштирок этди. Юзлаб ишчилар, инженер-техник ходимлар ҳамда хизматчилар бевосита ўз меҳнат постларида бўлишди. Улар станоклар ва агрегатларни бошқаришди, металл конструкцияларини пайванд қилишди. Қатор буюртмачиларга қимматли қурилиш материаллари юборилди.

Корхона ишчилари шанбаликда оддий кунлардагига нисбатан анча кўп иш бажардилар. Улар пландагига қўшимча 10 процентдан кўпроқ маҳсулот тайёрладилар. Бундай муваффақиятларга эришишда шанбалик куни топшириқни ошириб бажариш мажбуриятини олган коллективлар ҳиссаси салмоқли бўлди. Жумладан, В. Ли ва В. Южанинлар раҳбарлигидаги бригадалар коллективлари кунлик топшириқни икки баравар атрофида бажаришди. Улар барча маҳсулотларни тежалган хом ашё ҳисобига ишлаб чиқардилар. Корхонанинг кўпчилик бригадалари аъзолари ҳам планни 130—150 процентдан бажариб, юқори меҳнат кўрсаткичларига эришдилар.

Тўйтепадаги автобус-таксомотор парки ҳайдовчилари умумхалқ хашарида халқ хўжалик юкларини ташиш, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланишди. Бир кун давомида 60 минг нафардан кўпроқ йўловчи ташилди. 115 автобус, ўндан ортиқ таксилар улар хизматида бўлди.

Райондаги барча колхозларда умумхалқ хашари катта байрам сифатида нишонланди. Ленин номли, Карл Маркс номли, «Партия XXII съезди» колхозлари деҳқонлари катта ҳажмдаги ишларни амалга оширдилар. Биргина «Партия XXII съезди» колхози аъзолари шанбалик давомида 5 минг туп мевали, 1000 туп гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишди. Ленин номли колхоз далаларида 700 нафардан ортиқ пахтакор, чорвадор, боғбон, соҳибкор меҳнат қилди. Улар экинлар экишни ниҳоясига етказдилар, боғлардаги дарахтларга шакл беришди, токларни таришди. Шу куни ўзлари ишлаган 1600 сўмликдан ортиқ маошни беш йиллик фондига ўтказдилар.

М. МИРҲАМИДОВ.

## ДЕҲҚОНЛАР БИЛАН ЕЛКАМА-ЕЛКА

КОММУНИСТИК районидаги «Сельхозтехника» район бирлашмаси ходимлари В .И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликни районда биринчилар қатори бошлаб бердилар. Шу куни тежалган ёнилғи ҳисобига пландан ташқари кўплаб юклар ташиб беришга аҳд қилган Андрей Эйзингер, Абан Сафаров, Маъруф Арнақулов, Собир Мирзакимовлар эрта тонгдан рейсларни бошлаб юборишди.

Бирлашманинг кўплаб илғорлари шу куни энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бульдозерчилардан Ўтап Алиқулов, Амет Абкелямов, темирчи Анвар Ҳасанов, слесарлар Зокир Мирзаев, Арслон Турсиматовлар нормани 1,5 — 2 ҳисса қилиб бажаришди. Шу тариқа бутун бирлашма энг юқори натижага эришди.

Қизил шанбаликда бирлашманинг 130 дан зиёд ишчи-хизматчиси бевосита ўз меҳнат постларини эгалладилар. 25 нафар бульдозерчи эса колхоз ва совхозларда деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, баҳорги экиш ишларини тезлаштиришда деҳқонларга кўмаклашдилар.

Л. МАНСУРОВ.

## МАҲАЛЛАДА ҲАШАР

Шанбаликка тайёргарлик кўриш фақат корхона, ташкилот ва муассасалардагина эмас, турар-жойларда ҳам пухта ташкил этилди. Жумладан, Ҳамза районидаги Нодирахоним маҳалласида катта ҳашар уюштирилди.

Шанба ва якшанба кунлари ўтказилган ҳашарда иштирок этган 150 дан ортиқ киши маҳалланинг Миршаропов, А. Икромов, Хуснобод, Зумрад кўчаларига 200 туп шафтоли, 100 туп ўрик, 300 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазди. Маҳалла территориясидаги ариқлар тозаланди.

Нодир ота Юсупов, Йигитали ота Ҳамидов, Мирсоли ота Тоғаев, Қудрат ота Жабборов, Зоир ота Парпиев каби кексаларнинг ташаббуси билан шу куни маҳалла қабристони ҳам тозаланиб, тартибга келтирилди. Ҳар бир ҳашарчи икки тупдан гул кўчати ўтқазди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

## РЕМОНТЧИЛАР ҒАЙРАТИ

ОЛМАЛИҚДАГИ 4-автомобиль ремонти заводида шанбалик ҳақиқий меҳнат байрамига айланиб кетди. Барча ишчи-хизматчилар эрта тонгда митингга тўпландилар. 250 кишидан ортиқ митинг қатнашчилари кўп ўтмай ўз меҳнат постларини эгалладилар. Заводнинг 180 нафар ишчиси бевосита асосий ремонт ишларини амалга оширишга киришдилар. Сменадан бўш бўлган ишчи-хизматчилар эса корхона теварак-атрофини тартибга келтириш, дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш билан шуғулландилар.

Шанбалик ўтказиш муносабати билан қатор бригадалар зиммаларига юқори мажбуриятлар қабул қилишган эди. Жумладан, Мечитов, Дуванов, шаҳар Советининг депутати Кузнецов бошчилигидаги бригадалар кенг ҳажмдаги ремонт ишларини қисқа муддат ичида якунлаш режаларини белгилашган эди. Шанбаликка якун ясалгач бу илғорлар ўз ваъдаларини шараф билан адо этганликлари маълум бўлди: Мечитов бошчилигидаги автослесарлар бригадаси шанбалик давомида КамАЗлар учун мўлжалланган 14 та ва «Икарус»ларнинг иккита двигателини ремонтдан чиқардилар. Дуванов бригадаси эса 9 та автомобиль агрегатини ишга тахт қилиб қўйди. Кузнецов ўз йигитлари билан бирга топшириқни 10 процент ортиғи билан бажарди.

Авторемонтчилар шанбаликдан тушган 500 сўм пулни ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказдилар.

М. МИРАЛИМОВ.

# ШОН-ШУҲРАТ МУЗЕЙИ

Ленинград қамалида — қаҳрамон шаҳарни ҳимоя қилишда 11-Валгин ўқчи дивизияси жангчилари ҳам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишган эди. Урушдан сўнг ана шу дивизия шарафига Ленинградда жанговар ва шон-шуҳрат музейи ташкил этилди.

Экспонатларга бой бу музей ҳозир ўзининг жойларда қатор филиалларига эга. Бундай кўргазма зали яқинда Тошкентда ҳам очилди.

Музей филиали пойтахтимизнинг 102-ўрта мактаб биносига жойлашган. Уни ташкил этишда шу билим ўчоғининг моҳир педагоги К. Раҳматуллаев ташаббускор бўлди.

Шуниси қувончлики, ветеран-ўқитувчи уруш йилларида шу ўқчи дивизияда хизмат қилган эди. Собиқ жангчи 11-Валгин ўқчи дивизияси музейида бўлиб, кўплаб материалларни олиб қайтди. Шахсан ўзи асраб юрган расмлар ва турли ҳужжатлар ҳам музей филиалидан жой олди.

С. ОДИЛОВА.

## 815 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

УМУМХАЛҚ хашарида Янгийўл корхоналарида тайёрланган барча саноат маҳсулотларига «Бу маҳсулот коммунистик шанбалик куни тайёрланди» деган ихчам ёрлиқлар ёпиштирилди. Шу куни ҳаммаси бўлиб 815 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шуниси диққатга сазоворки, янгийўлликлар деярли барча маҳсулотни тежалган 385,7 минг киловатт соат электр энергияси, шартли 1289 тонна ёқилғи ҳамда бошқа хом ашё ва материаллар ҳисобига тайёрлашди...

Тонг саҳардан шаҳарда карнай-сурнай, духовой оркестр, магнитофон ва пластинка дискларидан таралган шўх куй-қўшиқлар янгийўлликларни умумхалқ хашарига чорлади. Бирлашмалар, корхоналар, муассаса ва ташкилотларда тантанали митинглар бўлиб ўтди. Шанбаликда шаҳарликлардан 44 минг киши қатнашди, 11,2 минг киши ўз иш жойларида меҳнат қилдилар. 600 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилиб, 50 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 23 минг тонна халқ хўжалиги юклари белгиланган манзилларга етказиб берилди 150 тонна металл парчалари йиғилди. 1500 нафар ишчи шахсий, шунингдек ун заводи, 58 та цех, участка, бригадалар 4 ойлик план топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Шу куни 135 тонна ўсимлик мойи, 24 тонна хамиртуриш, 270 минг дона ғишт, 8800 жуфт болалар пойабзали, 53 минг сўмлик мебель, 132 тонна кондитер, 23 тонна колбаса маҳсулотлари, 23 минг сўмлик полиэтилен ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилди.

Шанбалик қатнашчилари бепул овқат билан таъминланди. Саккизта бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳашарчилар хизматида бўлдилар. Меҳнат байрами охирида алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи-хизматчилар пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

Ғ. ҲАКИМОВ,
А. ҒУЛОМОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари —335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомухбир—325894.